

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

19 июль 2018 й.г. № 555

Тошкент ш. – г. Ташкент

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 3 майдаги ПҚ–3693-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 3 майдаги ПҚ-3693-сон қарорини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.
2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмурадов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 19 июлдаги
555-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекчармпойабзали” уюшмасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 2000 йил 4 мартдаги 76-сон қарорида:

а) қарорнинг номидаги “Ўзбекчармпойабзали” сўзи “Ўзчармсаноат” сўзи билан алмаштирилсин;

б) 1, 4, 7 – 9 бандлар, шунингдек 1–5-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 2-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“2. Белгилансинки, “Ўзчармсаноат” уюшмасининг раиси ва унинг ўринбосарлари Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ сайланадилар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тасдиқланадилар”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 мартдаги 84-сон қарори билан тасдиқланган “Бошқарув аппаратлари тузилмасида инвестиция лойиҳаларини комплекс бошқариш бўлинмаси фаолият кўрсатиши лозим бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар, шунингдек йирик корхоналар Рўйхати”нинг 8-бандидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 3-сон, 19-модда) “Ўзбекчармпойабзали” сўзи “Ўзчармсаноат” сўзи билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Чарм-пойабзал маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 5 январдаги 5-сон қарори 4-бандидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 1-сон, 1-модда) “Ўзбекчармпойабзали” сўзи “Ўзчармсаноат” сўзи билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 22 декабрдаги 1013-сон қарори 1-иловасининг “Хўжалик бошқаруви органлари” бўлими 19-бандидаги “Ўзбекчармпойабзали” сўзи “Ўзчармсаноат” сўзи билан алмаштирилсин.